



## **XALQ DEPUTATLARI TOSHKENT SHAHAR KENGASHINING Q A R O R I**

2021 йил «30» декабрь

VI-53-165-14-0-K/21

Тошкент шаҳар ҳокимлиги

### **2022 йил учун Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 24-моддалари ва Бюджет кодексининг 99-моддаси ҳамда “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши

### **Қ A P O P Қ И Л A Д И:**

1. Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунига (кейинги ўринларда Қонун деб аталади) мувофиқ 2022 йил учун Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маълумот учун қабул қилинсин.

2. 2022 йил учун Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети ва туманлар бюджетлари даромадларини шакллантириш:

а) Қуйидаги солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети ҳамда туманлар маҳаллий бюджетлари ўртасида тақсимланади:

бензинни, дизель ёқилғисини ва газни якуний истеъмолчиларга реализация қилишдаги акциз солиғи;

айланмадан олинадиган солиқ;

юримдик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ;

юримдик шахслардан олинадиган ер солиғи;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ.

б) Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетига қуйидаги солиқ турлари ва бошқа

мажбурий тўловлар тўлиғича ўтказилади:

электр станциялари томонидан тўланадиган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

қонунчиликда белгиланган миқдорлардаги давлат божлари (патент божи ва лицензия берганлик учун давлат божларидан ташқари);

қонунчиликда белгиланган миқдорда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ундириладиган жарималар;

қонунчиликда белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ундириладиган бошқа йиғимлар (божхона органлари томонидан ундириладиган йиғимлардан ҳамда ғилдиракли транспорт воситалари, ўзиюрар машиналар ва уларнинг тиркамлари учун утилизация йиғимидан, шунингдек автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома бериш учун тўловдан ташқари);

қонунчиликда белгиланган миқдорда давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни реализация қилишдан тушган тушумлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг улуши бўйича дивидендлар (даромадлар) ва ажратмалар;

жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан тушумларнинг (жисмоний шахслар мол-мулкни ижарага беришдан оладиган йиллик даромади тўғрисидаги декларацияга асосан тўлайдиган, шунингдек яқка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан ташқари) Тошкент шаҳрида 5 фоизи;

фойда солиғидан тушумларнинг (Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ йирик солиқ тўловчилар, Ўзбекистон Республикасида доимий фаолият олиб борувчи муассаса орқали фаолият юритувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан, шунингдек норезидентларнинг тўлов манбаидан ушлаб қолинадиган даромадларидан тўланадиган фойда солиғидан ташқари) Тошкент шаҳрида 5 фоизи тўлиқ шаҳар бюджетига тақсимланиши маълумот учун қабул қилинсин.

в) Қуйидаги солиқ турлари туманлар бюджетига тўлиқлиғича ўтказиб берилади:

жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

жисмоний шахслар томонидан мол-мулкни ижарага беришдан олинган

даромадлар бўйича декларацияга асосида тўланйдиган солиқлар, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинйдиган даромад солиғи;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бунда электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно;

қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ;

мобил алоқа хизматлари, тамаки ва алкоголь махсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғи бўйича тушумлар тегишинча 2021 йил

1 июль ҳолатига кўра Тошкент шаҳар аҳолисини республика аҳолисидаги улушига мувофиқ ўтказиб берилади.

3. 2022 йил учун Тошкент шаҳрини ривожлантиришнинг асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози 1-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

4. 2022 йил учун Тошкент шаҳри шаҳар бюджети даромадлари прогнози 2-иловага мувофиқ маъқуллансин.

5. 2022 йил учун Тошкент шаҳри шаҳар бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратилдиган маблағларнинг чекланган миқдорлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Туманлар бюджетларига умумдават солиқларидан ажратмалар меъёрлари 4-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

Бунда, ажратма меъёрлари бўйича шаҳар маҳаллий бюджети билан туманлар маҳаллий бюджетларининг тақсимотини ўрнатилган тартибда Тошкент шаҳар Ғазначилик бошқармаси ва унинг бўлинмалари томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

7. 2022 йил учун Тошкент шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларининг даромадлар ва харажатлар прогнозлари 5-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

8. 2022 йил учун Тошкент шаҳри ва туманлар бюджетларида йўл қўйилдиган айланма касса маблағларининг энг кам миқдори 6-иловага мувофиқ белгилансин.

9. 2022 йилда, Тошкент шаҳрининг умумтаълим муассасаларини, мактабгача таълим ташкилотларини, соғлиқни сақлаш муассасаларини ва ичимлик суви билан таъминлаш тизими объектларини лойиҳалаштириш, қуриш

(реконструкция қилиш), капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмаларга доир харажатлар Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан молиялаштирилади.

10. 2022 йилдан бошлаб барча иссиқлик энергиясини етказиб берувчи корхоналар томонидан кўрсатиладиган иссиқлик таъминоти хизматлари учун тартибга солинадиган нархлар (тарифлар) бўйича дастлаб Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитасининг ҳудудий бошқармалари хулосаларига кўра, тегишинча халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашлари қарорлари билан маъқулланганидан сўнг Тошкент шаҳар ҳокими томонидан тасдиқланади.

Иссиқлик таъминоти бўйича хизматлар учун тартибга солинадиган нархларни (тарифларни) йил давомида қайта кўриб чиқиш яқунларига кўра, иссиқлик билан таъминловчи корхоналар аҳолига пасайтирилган тарифлар қўлланилиши натижасида кўрган зарарларининг ўрнини қоплаш учун қўшимча маблағларга бўлган талаб Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан қопланади.

11. 2022 йил учун Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетини захира жамғармаси ҳажми 42,9 млрд. сўм миқдоридан белгилансин.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда туман ҳокимликлари Захира жамғармалари маблағларини шаҳар ҳамда туманлар бюджетларида кўзда тутилмаган, кечиктириб бўлмайдиган харажатларни, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий беқарорлик юзага келган вазиятларда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирларни молиялаштириш учун ажратилиши таъминлансин.

12. Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетини ва туманлар бюджетларида шаклландирилган қўшимча манбаларидан фойдаланиш тўғрисидаги қарорлар тегишли равишда шаҳар ҳамда туманлар Кенгашлари томонидан шаҳар ва туманлар ҳокимликлари таклифларига асосан биринчи навбатда ижтимоий соҳа муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтириш мақсадида қабул қилинади.

13. Чораклар якуни бўйича ушбу Қарорнинг 5-иловасида келтирилган даромадларнинг прогноз кўрсаткичлари маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига харажатларни мақбуллаштириш юзасидан кўрилган

чоралар билан биргаликда тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш юзасидан мурожаат қилади ҳамда бу таклиф Вазирлар Маҳкамаси томонидан Қонунда белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

#### 14. Тошкент шаҳар ва туман ҳокимликлари:

Тошкент шаҳар ва туманлар ҳокимликлари ташаббусига кўра амалга ошириладиган қўшимча тадбирларни молиялаштириш фақат Тошкент шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан амалга оширилсин;

Тошкент шаҳар ва туманлар ҳокимликлари тегишли бюджетларини биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат, доридармон ва коммунал хизматлар харажатлари режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантирилсин;

ҳар чорак якуни билан кейинги чорак биринчи ойининг 25-санасига қадар расмий веб-сайтларга ўз тасарруфидаги бюджет ташкилотлари кесимида маблағлар тақсимотини, молиявий ҳисоботларни, капитал қўйилмалар ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳалар ижросини, ўтказилган танлов (тендер) савдолари ва давлат харидлари ҳамда бошқа тегишли маълумотларни жойлаштиради;

Тошкент шаҳри ва туманлар маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан харид қилинган товарлар ва хизматлар, қурилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилаётган объектлар рўйхати, шунингдек қурилиш-таъмирлаш ишларининг молиялаштирилиши тўғрисидаги маълумотлар ҳар чорак якунларига кўра, кейинги чорак биринчи ойининг 10-санасига қадар тегишинча Тошкент шаҳар ва туманлар ҳокимликлари томонидан мажбурий тартибда ўз расмий веб-сайтларига жойлаштиради;

туманлар бюджетларининг қўшимча даромадларини 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорларда жамоатчилик фикри асосида белгиланган тадбирларни молиялаштиришга йўналтиради ва веб-сайтларига уларнинг натижаларини жойлаштиради.

15. Тошкент шаҳар ҳокимлиги тегишли равишда ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчиларнинг бюджет маблағларидан самарали фойдаланилиши ҳамда эришилган натижалар тўғрисидаги ҳисоботларини Тошкент шаҳар Кенгашига тақдим этилишини таъминласин.

16. Тошкент шаҳар ва туман ҳокимликлари маҳаллий бюджет даромадлари ва харажатларининг кўрсаткичларини бажарилишини таъминлаш, солиқ базасини кенгайтириш ҳамда иқтисодий салоҳиятини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши устидан қатъий назоратни ўрнатиши учун тегишли Кенгашларга маълумот киритсин.

17. Тошкент шаҳар ҳокимлиги қонунда белгиланган айрим солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

18. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

19. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестиция ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси М.Тахиров ва Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Х.Шакиров зиммасига юклатилсин.

**Kengash raisi**



**ARTIKXODJAYEV J. A.**

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар  
Кенгашининг  
2021 йил 30 декабрдаги  
VI-53-165-14-0-К/21-сон қарорига  
1-илова

**2022 йил учун Тошкент шаҳрини ривожлантиришнинг асосий  
макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози**

<b>№</b>	<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>2022 йил учун прогноз</b>
1.	Ялпи ҳудудий маҳсулот, млрд.сўм	120 068
2.	Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиш суръати, фоизда	7,5
3.	Саноат маҳсулотларининг ўсиш суръати, фоизда	6,3
4.	Хизмат кўрсатиш соҳаси ўсиш суръати, фоизда	30,1
5.	Чакана товар айланмасининг ўсиш суръати, фоизда	8,5

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар  
Кенгашининг  
2021 йил 30 декабрдаги  
VI-53-165-14-0-К/21-сон қарорига  
2-илова

**2022 йил учун Тошкент шаҳри шаҳар бюджети  
даромадлари прогнози**

*минг сўмда*

<b>Т/Р</b>	<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Сумма</b>
<b>ЖАМИ</b>		<b>4 428 730 322,0</b>
1	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	213 889 050,0
2	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	373 331 100,0
3	Бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ	374 434 000,0
4	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	728 836 000,0
5	Юридик шахслар ер солиғи	567 746 000,0
6	Айланмадан олинадиган солиқ	586 846 000,0
7	Давлат божи	513 919 900,0
8	Жарималар	256 094 000,0
9	Давлат ташкилотларининг соф фойдасидан даромад	181 290 000,0
10	Йиғимлар	520 771 000,0
11	Хусусийлаштириш	100 000 000,0
12	Бошқалар	11 573 272,0

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар  
Кенгашининг  
2021 йил 30 декабрдаги  
VI-53-165-14-0-К/21-сон қарорига  
3-илова

**2022 йил учун Тошкент шаҳри шаҳар бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари**

минг сўмда

Т-р	Кўрсаткичлар	Сумма
	<b>Жами</b>	<b>4 428 730 322</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	2 278 555 550
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	1 332 052 992
	Кўп квартирали уйлардаги лифт усқуналарини таъмирлаш ва янгилаш	85 880 000
	Иссиклик энергиясини ишлаб чиқарувчиларга аҳолига кўрсатилган иссиқлик таъминоти хизмати учун пасайтирилган тарифларни қўллаш натижасида юзага келадиган зарарни қоплаш харажатлари	732 241 780
1	<b>Тошкент шаҳар ҳокимлиги</b>	1 515 456 463
	<i>жорий харажатлар</i>	459 424 017
	<i>шу жумладан:</i>	
	<i>Тошкент шаҳар ҳокимлигини сақлаш харажатлари</i>	9 797 990
	<i>Тошкент шаҳридаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналарини сақлаш харажатлари</i>	6 300 433
	<i>Тошкент шаҳридаги Бош вазир қабулхонаси</i>	2 262 984
	<i>Тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг Тошкент шаҳар буйича ваколатли офиси</i>	2 654 520
	<i>Нодавлат нотижорат ташкилотлари</i>	1 208 343
	<i>Тошкент шаҳар ҳокимлигининг заҳира жамғармаси</i>	42 904 088
	<i>Халқ депутатлари Кенгаши котибияти</i>	326 857
	<i>"Хаятт Ридженси" кредитларини сўндириш</i>	69 000 000
	<i>Тошкент шаҳрини Ободонлаштириш ва Фаровонлигини ошириш жамғармаси кредити (Миллий банк)</i>	3 340 620
	<i>Тошшаҳарнур ДУК Кредитлари</i>	37 715 000
	<i>Чет эл кредитларини қоплаш</i>	6 630 000

	<i>Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Фуқораларнинг узини-узи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш уқув курси</i>	437 243
	<i>Тошкент шаҳар ҳокимлигининг ижтимоий мослашиш маркази</i>	67 625
	<i>Тошкент метрополитенида кундузи соат 10:00 дан 16:00 гача бўлган кундузги даврда пенсионерларни bepул ташишида ва bepул юриш ҳуқуқини берадиган ягона гувоҳномалар бўйича ҳисобга олинадиган йўловчиларни ташиш натижасида олинмай қоладиган даромадларни қоплаш ҳамда Чекланган тарифлар бўйича йўловчилар ташиш ҳисобидан юзага келадиган зарарлар (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 октябрдаги ПҚ-5260-сонли харажатлари билан бирга)</i>	116 582 814
	<i>Шаҳар пассажир транспортида bepул юриш ҳуқуқини берадиган ягона гувоҳномалар бўйича ҳисобга олинадиган йўловчиларни ташиш натижасида олинмай қоладиган даромадларни қоплаш ва Чекланган тарифлар бўйича йўловчилар ва багажни ташиш бўйича хизматлар кўрсатилиши муносабати билан шаҳар йўловчи ташиш транспорти ташиувчилари кўрадиган зарарларни қоплаш.</i>	150 000 000
	<i>Шаҳар пассажир транспортида баъзи категориядаги кишиларнинг bepул юришларини бюджетдан қоплаш</i>	10 195 500
	<i>объектларни лойиҳалаштириши, қуриши (реконструкция қилиши) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар</i>	3 916 007
	<i>Туман марказларини ободонлаштириш харажатлари</i>	52 116 439
	<i>Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тақсимланадиган маблағлар</i>	500 000 000
	<i>«Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурларининг харажатлари</i>	500 000 000
2	<b>Тошкент шаҳар Молия бош бошқармаси</b>	52 932 271
	<i>жорий харажатлар</i>	52 932 271
	<i>шу жумладан:</i>	
	<i>Тошкент шаҳар Молия бош бошқармасини сақлаш харажатлари</i>	3 328 190
	<i>Давлат молиявий назорат бошқармаси</i>	3 076 284
	<i>Давлат мукофотларини тўлаш харажатлари</i>	7 960 165

	Давлат органлари ёки ушбу органлар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида фуқаролар ёки юридик шахсларга етказилган зарарни қоплаш харажатлари	28 400 000
	Адвокатлик хизматлари харажатлари	10 167 632
3	<b>Иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бош бошқармаси</b>	5 413 264
	жорий харажатлар	5 413 264
4	<b>Бандлик ва меҳнат муносабатлари бош бошқармаси</b>	2 221 059
	жорий харажатлар	2 221 059
5	<b>Ободонлаштириш бош бошқармаси</b>	355 433 126
	жорий харажатлар	355 433 126
6	<b>Халқ таълими бош бошқармаси</b>	287 950 708
	жорий харажатлар	175 862 662
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	112 088 046
7	<b>Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси</b>	936 622 345
	жорий харажатлар	841 622 345
	Тиббий-ижтимоий хизматлар учун харажатлар	95 432 424
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	95 000 000
8	<b>Маданият бош бошқармаси</b>	64 594 133
	жорий харажатлар	64 594 133
9	<b>Мактабгача таълим бош бошқармаси</b>	60 952 449
	жорий харажатлар	10 712 449
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	50 240 000
10	<b>Қурилиш бош бошқармаси</b>	2 121 453
	жорий харажатлар	2 121 453
11	<b>Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси</b>	6 225 864
	жорий харажатлар	6 225 864
12	<b>Тошкент шаҳар Инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси</b>	3 940 353
	жорий харажатлар	3 940 353
13	<b>Давлат архиви бошқармаси</b>	1 999 012
	жорий харажатлар	1 999 012
14	<b>Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси</b>	1 463 821
	жорий харажатлар	1 463 821
15	<b>Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳудудий бошқармаси</b>	11 947 676

	<i>жорий харажатлар</i>	11 947 676
16	<b>Ғазначилик бошқармаси</b>	5 830 144
	<i>жорий харажатлар</i>	5 830 144
17	<b>Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси</b>	842 241 984
	<i>жорий харажатлар</i>	4 427 704
	<i>Иссиқлик таъминоти тизими ташилотлари харажатлари</i>	1 000 000
	<i>Кўп квартиралли уйлардаги лифт ускуналарини таъмирлаш ва янгилаш</i>	85 880 000
	<i>объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар</i>	18 692 500
	<i>Иссиқлик энергиясини ишлаб чиқарувчиларга аҳолига кўрсатилган иссиқлик таъминоти хизмати учун пасайтирилган тарифларни қўллаш натижасида юзага келадиган зарарни қоплаш харажатлари</i>	732 241 780
18	<b>Транспорт бошқармаси</b>	3 955 816
	<i>жорий харажатлар</i>	3 955 816
19	<b>Туризмни ривожлантириш бошқармаси</b>	4 232 466
	<i>жорий харажатлар</i>	4 232 466
20	<b>Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳудудий бошқармаси</b>	2 289 004
	<i>жорий харажатлар</i>	2 289 004
21	<b>Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ҳудудий бошқармаси</b>	0
	<i>жорий харажатлар</i>	
22	<b>Монополияга қарши курашиш бошқармаси</b>	1 741 177
	<i>жорий харажатлар</i>	1 741 177
23	<b>Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси сақлаш харажатлари</b>	2 093 416
	<i>жорий харажатлар</i>	2 093 416
24	<b>Тошкент шаҳар Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси</b>	10 800 118
	<i>жорий харажатлар</i>	10 800 118
25	<b>Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси</b>	31 096 306
	<i>жорий харажатлар</i>	31 096 306
26	<b>Экология ва атроф муҳитни химоя қилиш бошқармаси</b>	4 985 774
	<i>жорий харажатлар</i>	4 985 774
27	<b>Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш бошқармаси</b>	710 927
	<i>жорий харажатлар</i>	710 927
28	<b>Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси</b>	2 522 860
	<i>жорий харажатлар</i>	2 522 860

29	<b>Тошкент шаҳар сайлов комиссияси</b>	60 540
	<i>жорий харажатлар</i>	60 540
30	<b>Ўсимликлар карантини инспекцияси</b>	6 187 366
	<i>жорий харажатлар</i>	6 187 366
31	<b>"Узагрокимёхимоя" ҳудудий акциядорлик жамияти</b>	255 045
	<i>жорий харажатлар</i>	255 045
32	<b>Махсус эксплуатация-монтаж бошқармаларини сақлаш харажатлари</b>	9 912 142
	<i>жорий харажатлар</i>	9 912 142
33	<b>Давлат хизматлари агентлиги ҳудудий бошқармаси (ФХДЁ)</b>	3 026 484
	<i>жорий харажатлар</i>	3 026 484
34	<b>Ёшлар агентлиги ҳудудий бўлинмаси</b>	4 988 461
	<i>жорий харажатлар</i>	4 988 461
35	<b>Бошқа харажатлар</b>	183 526 295
	<i>жорий харажатлар</i>	183 526 295

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар  
Кенгашининг  
2021 йил 30 декабрдаги  
VI-53-165-14-0-К/21-сон қарорига  
4-илова

**Туманлар бюджетларига умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёрлари**

*Фоиз ҳисобида*

T/P	Туманлар номи	Айланмадан солиқ	Яқуний истеъмолчиларга бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализацияси қилишдан солиқ	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	Юридик шахслар ер солиғи	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ
1	Шайхонтохур тумани	28	20	8	8	100
2	Учтепа тумани	28	84	9	9	100
3	Чилонзор тумани	28	20	6	7	100
4	Миробод тумани	28	11	6	10	100
5	Мирзо Улуғбек тумани	28	96	10	10	100
6	Яккасарой тумани	28	14	5	6	100
7	Олмазор тумани	28	100	28	31	100
8	Яшнобод тумани	28	55	9	7	100
9	Сергели тумани	28	30	7	10	100
10	Бектемир тумани	28	10	6	7	100
11	Юнусобод тумани	28	72	7	10	100
12	Янгиҳаёт тумани	28	83	10	10	100

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар  
Кенгашининг  
2021 йил 30 декабрдаги  
VI-53-165-14-0-К/21-сон қарорига  
5-илова

**2022 йилги Тошкент шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетлари даромадлар ва  
харажатлар прогнозлари**

*минг сўм*

Т/р	Туманлар ва шаҳарлар номи	Даромадлар	Харажатлар
	<b>ЖАМИ</b>	<b>6 044 667 322,0</b>	<b>6 044 667 322,0</b>
1	Тошкент шаҳри	4 428 730 322,0	4 428 730 322,0
2	Шайхонтохур тумани	157 083 389,0	157 083 389,0
3	Учтепа тумани	151 349 771,0	151 349 771,0
4	Чилонзор тумани	158 073 167,0	158 073 167,0
5	Миробод тумани	106 959 437,0	106 959 437,0
6	Мирзо Улуғбек тумани	167 272 601,0	167 272 601,0
7	Яккасарой тумани	93 582 311,0	93 582 311,0
8	Олмазор тумани	191 683 639,0	191 683 639,0
9	Яшнобод тумани	165 547 012,0	165 547 012,0
10	Сергели тумани	116 779 544,0	116 779 544,0
11	Бектемир тумани	53 191 928,0	53 191 928,0
12	Юнусобод тумани	187 102 989,0	187 102 989,0
13	Янгиҳаёт тумани	67 311 212,0	67 311 212,0

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар  
Кенгашининг  
2021 йил 30 декабрдаги  
VI-53-165-14-0-К/21-сон қарорига  
6-илова

**2022 йилги Тошкент шаҳри ва туманлар бюджетларида йўл  
қўйиладиган айланма касса маблағларининг энг кам миқдори**

*минг сўмда*

<b>Т/р</b>	<b>Туманлар ва шаҳарлар номи</b>	<b>Миқдор</b>
	<b>ЖАМИ</b>	<b>34 324 242</b>
	<i>шундан</i>	
1	Тошкент шаҳри	<b>18 048 275</b>
2	Шайхонтохур тумани	<b>1 503 407</b>
3	Учтепа тумани	<b>1 507 454</b>
4	Чилонзор тумани	<b>1 620 360</b>
5	Миробод тумани	<b>1 207 872</b>
6	Мирзо Улуғбек тумани	<b>1 755 850</b>
7	Яккасарой тумани	<b>1 075 750</b>
8	Олмазор тумани	<b>1 948 410</b>
9	Яшнобод тумани	<b>1 632 810</b>
10	Сергели тумани	<b>1 291 718</b>
11	Бектемир тумани	<b>473 477</b>
12	Юнусобод тумани	<b>1 944 165</b>

13	Янгиҳаёт тумани	314 694
----	-----------------	---------